O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ЭКОЛОГИЯ ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ КЕНГ МИҚЁСДАГИ КЕСКИН ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИДАН БИРИДИР. УНИ ҲАЛ ЭТИШ БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИГА МОС БЎЛИБ, ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ҲОЗИРГИ КУНИ ВА КЕЛАЖАГИ КЎП ЖИҲАТДАН АНА ШУ МУАММОНИНГ ҲАЛ ҚИЛИНИШИГА БОҒЛИҚДИР.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
6 ИЮНЬ
СЕШАНБА

№ 65 (25.615).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади.

2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга ҳам жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда амалдаги ҳисоб ва ҳисобот тизимини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг алоҳида ҳисоб-китоби юритилишини кўзда тутсинлар.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб умумий савдо-сотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — мулк солиғи ундирилмайди.

3. Ушбу Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга татбиқ этилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага хомашё маҳсулотлари — пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга бир ҳафта муддатда ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўлланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Экспорт қилувчи корхоналар учун айрим солиқ имтиёзлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

Ҳукуматнинг илгари қабул қилинган қарорларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 5 июнь

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

2000 йилнинг 3 июнь куни Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. И.Умурзоқов, бошқа ишга ўтганлиги сабабли, вилоят партия кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган М. Иномов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари О. Жавлонов сўзга чиқдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати**

БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

3-бет

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Маҳмуджон Жўраев ўзбек миллий ҳунармандчилигининг ноёб тури — ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келади. Қўли гул устанинг маҳоратидан санъат даражасига кўтарилган шарқона дарвоза, эшик ва бошқа дурадгорлик буюмлари вилоятнинг кўплаб йирик иншоотларини безаб турибди.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ЙИЛ ОЙ КУН

БИЗ ВА ИҚЛИМ

Асримизнинг охирги юз йиллигида Ер юзи ҳароратининг исиши аввалги юз йилликка нисбатан Цельций шкаласи бўйича 0,3 — 0,6 даража кўтарилгандир. Мамлакатимиз пойтахтида эса ҳавонинг ўртача йиллик исиб бориши 1,2 даражага етган. Ҳарорат кўтарилиши бутун мамлакатимиз ҳудуди бўйича ҳам рўй берган. Хўш, ер юзида, қолаверса, Ўрта Осиё минтақасида яқин истиқболда иқлим ўзгариши қандай бўлади? Ўзбекистон Республикаси Бош Гидромети ва Ўрта Осиё Гидрометереология илмий-тадқиқот институти томонидан Америка Халқаро тараққиёт агентлиги мададида Тошкентда иқлим исиб бориши масаласига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Миллий университет, Сув муаммолари институти ҳамда турли илмий марказлар ва идоралар вакиллари қатнашдилар. Олимларнинг фикрича, биз кейинги минг йилликнинг энг илиқ асрида яшаётган эканмиз.

Анжуманда Ўрта Осиё Гидрометереология илмий-тадқиқот институти олимлари ўз маълумотлари асосида тайёрлаган минтақамизнинг бўлажак иқлими борасидаги тахминни маълум қилдилар. Улар хулосасига кўра, исиш натижасида қуруқ тропик иқлим ва мўътадил иқлим зоналари ўртасидаги чегаралар 150-200 километр шимолга, баландлик иқлими минтақаси эса 150-200 метр юқорига сурилади. Совуқ кунлар 8-15 кунга камаяди. Бундай ўзгариш қишлоқ хўжалик экинлари ўсишини ва унумдорлигини оширади.

МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

Юртимизда яна бир спорт байрамига ҳозирлик кўрилмоқда. Пойтахтнинг ажойиб теннис гўшаларидан саналган «Динамо» спорт мажмуида Халқаро аёллар теннис турнирини ўтказиш мўлжалланмоқда. Дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан келувчи кучли теннисчи хотин-қизлар ўртасида қарийб бир ҳафта қизғин баҳслар бўлади. Мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ доллари ҳисобида белгиланган. Яккама-якка баҳс ғолиби ўз рейтингини яна 110 очко билан бойитиб, 22 минг доллар мукофотга ҳам эга бўлиши мумкин. Мусобақани эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Сассон Какшури бошчилигидаги ИТП компанияси уюштирмоқда. Ўйлаймизки, бу мусобақа ҳам мамлакатда теннисни янада оммалаштириш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилади.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД

Венгриянинг «Гедеон Рихтер» акциядорлик жамияти фармацевтика компаниясининг дори-дармонлари юқори сифатлилиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон фармацевтика бозорида «Гедеон Рихтер» АЖнинг ваколатхонаси 4 йилдан ошиқроқ вақтдан буён самарали ишлаб келмоқда. 80 дан ортиқ турдаги дори-дармонларни етказиб беришдан ташқари ўзбек мутахассислари билан илмий ишлар бўйича катта дастурни ҳам амалга ошираётир. Шунингдек, ўзбек олимларига ҳомийлик мададини кўрсатиб келмоқда. «Гедеон Рихтер» заводи томонидан «Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмасига унинг молиявий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш мақсадида беминнат ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома имзоланди. У «Соғлом авлод» давлат дастурига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Соғлом оила — соғлом авлод» дастурини ишлаб чиқиб амалга оширишга киришди. Мазкур дастур Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида контрацепция бўйича тренерларни тайёрлаш, контрацепция масаласи бўйича аҳолининг бохабарлигини ошириш ва бошқа қатор тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олган.

■ **Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия долари	138,38	10 Люксембург франки	56,08
1 Австрия шиллинги	16,44	1 Малайзия рингити	63,70
1 Англия фунт стерлинги	362,32	1 Германия маркаси	115,66
10 Бельгия франки	56,08	1 Польша злотийси	55,36
1 Голландия гульдени	102,65	1 СДР	318,95
10 Греция драхмаси	6,72	1000 Туркия лираси	0,39
1 Дания кронаси	30,32	1 Финляндия маркаси	38,05
1 БАА дирхами	65,90	1 Франция франки	34,49
1 АҚШ доллари	242,05	1 Швейцария франки	143,95
1 Миср фунти	70,36	1 ЕВРО	226,22
10 Испания песети	13,60	10 Жанубий Корея вони	2,15
100 Италия лираси	11,68	10 Япония иенаси	22,30
1 Канада доллари	162,41	1 Россия рубли	8,54
1 Хитой юани	29,24	1 Украина гривнаси	44,61

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЛУҚМА

ВАЪДАБОЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳукуматимиз хусусий тадбиркорликни, мулк эгалигини шакллантириш борасида бир қанча қарорлар қабул қилди. Жойларда тадбиркорларни, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар, органлар, ҳокимликлар яқиндан кўмак бериши лозимлиги айтиб ўтилди. Аммо баъзи нуфузли ташкилотлар раҳбарлари қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини сансалорликка солишмоқда. Яқинда тахririятимизга Самарқанд вилояти, Иштихон туманида ташкил этилган «Пўлат Амин» фермер хўжалиги раиси Алихон Валиев шикоят билан келди.

Мазкур фермер хўжалиги аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида чорвачиликни ривожлантиришга қарор қилганди. 1999 йилнинг ноябрь ойида республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига қорамол сотиб олиш учун 2 000 000 (икки миллион) сўм кредит олиш мақсадида ариза ҳамда керакли ҳужжатларни топширганди. Кредит олишга асос қилиб хусусий техникаси ва иморатини гаровга қўйган эди. Амалдаги қонунчилигимизга асосан фермер хўжалиги республика «Пахтабанки»га ҳам кредит олиш учун сўралган ҳужжатларни топширишди. Банк ходимлари барча керакли ҳужжатларни ўрганиб, «Пўлат Амин» фермер хўжалиги кредит олишга ҳақли эканлигини айтиб, республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига 1999 йилнинг декабрь ойида хат жўнатишган.

Шундан буён қарийб етти ой ўтган бўлса-да, уюшманинг ваъдалари кўзбўямачиликдек бўлиб қоляпти. Яқинда навбатдаги ваъдани август ойида ҳал қилиш билан беришди. Бизни ажаблантиргани, фермер хўжалиги чорва боқиш учун молхона қуриб, асосий воситалари бўлмиш техникасини, иморатини гаровга қўйган. Етти ойдан бери Самарқанд — Тошкент орасида зир қатнаш билан кун ўтказишмоқда. Мавжуд 8 гектар сувли 15 гектар лалми ерига ишлов бериш, ҳосилнинг чўғини кўтариш учун вақтида озиқлантириш ишларига етарлича вақт ажратиш имкони бўлмаяпти.

Ўрта йўлда сарсон қилган уюшма негадир кредит беришни ҳалигача пайсалга солиб, кечиктириб келмоқда. А. Валиевнинг айтишича, уюшма раиси Абдурашид Бобомирзаев: — Ўтказиб беришимиз керак, аммо ҳисобимизда пул йўқ! — деган. Бюджетдан ажратилган маблағ, фермерлардан олинаётган бадаллар қаерга сарфланаяпти экан?

Алихон Валиев энди ҳайрон. Шунча сарсон бўлгани етмагандай уюшма раисининг янги ваъдасидан баттар тажанг бўлиб юрибди.

■ **Жўра ЮСУФ**

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ОЛИЙГОҲГА ОЛТИН МЕДАЛЬ ЯРАШДИ

Бухоро давлат университети мамлакатимизнинг энг нуфузли олийгоҳларидан биридир. Ундаги 9 факультетда 3700 нафар талаба таълим олаётир. Истиқлол йилларида университетда ўқитишнинг янги усуллари қўлланилгани, кадрлар тайёрлашда сифатга эътибор ошганлиги янада яққолроқ намоён бўлди. Шу нуқтаи назардан ҳам университет Франция миллий саноатни ривожлантириш ассоциациясининг халқаро мукофоти — Олтин медалга сазовор бўлди.

— 1801 йилда император Бонапарт Наполеон томонидан таъсис этилган қадимий мукофотга эришганимиз, — дейди университет ректори, ЎзФА академиги Комил Муқимов, — Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда жамоамиз меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Ҳозир 20дан зиёд бухоролик ёшлар АҚШ, Франция, Италия, Миср, Англия каби мамлакатларда ўқишаётир.

Ҳа, Европа Иттифоқининг «Темпус» таълим дастурига мувофиқ Бухоро университетига ажратилган 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағи ўқув юрти иқтисодиёт факультети талабаларини Франция, Ирландия, Италияга ўқишга юборишга сарфланиши ҳам жамоанинг ҳозирги шароитдаги самарали меҳнатининг эътирофи ҳамдир.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРИ

ТАДБИРЛАР, ИЗЛАНИШЛАР

Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши томонидан жорий йил бошидан буён турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, «Ёш қизларни турмушга тайёрлаш» мавзуида давра суҳбатига тумандаги турли ўқув юртларидан 40 нафар ўқувчи қизлар таклиф этилди. Шунингдек, «Қизларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш» мавзуида «Қизлар давраси» деб номланган тадбирни мисол келтириш мумкин.

Бектемир туман партия кенгашида эса ёшларни ишга жалб этиш мақсадида, туман кенгаши қошида «Дурдона» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бу ерда қизлар каштачилик, зардўзлик каби касб-хунарларни ўрганадилар.

Акмал Икромов туман кенгашида эса қатор маҳаллаларда турли экстремистик диний оқимларнинг асл моҳияти ҳақида, ёшлар иштирокида катта тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда диний қўмита, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раҳбарлари ҳамда шаҳар имом хатиби иштирок этди.

Юнусобод туман партия кенгаши ташаббуси билан «Ёшларимиз қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини ривожлантириш» мавзусида тумандаги олий ўқув юртлари талабалари иштирокида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди. Шунингдек, «Аёлни эъзозлаган Ватан», «Диний экстремизм ва фундаментализм: — тарихи, моҳияти ва хавфи» каби қатор тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, туман кенгаши қошида «Ёшлар клуби» тузилган бўлиб, у ўз аъзоларига эга. Ушбу клуб йиғинларида ёшларга мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, маънавият-маърифат, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик маданиятини ўрганиш ҳамда уларнинг сиёсий савиясини ошириш масалаларига эътибор қаратиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бизда фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп. Асосий мақсад фаолларимиз изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан, барча туман партия кенгашларининг пленумларида билдирилган фикр-мулоҳазаларни жамлаб, ишимиз самарадорлигини оширишдан иборат.

■ **Азим ЁРМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ҲУКМ ЎҚИЛДИ, НОРОЗИЛИК НЕГА?

Таҳририятимизга Навоий вилоятидан келган аризада жумладан шундай ёзилади: «2000 йилнинг 7 февралида чамаси кундузги соат 15.00 ларда хўжайиним Фахриддин Ҳамроевни ака-ука Багировлар ўзларининг «Дамас» машиналарига миндириб, Қизилтепа туман деҳқон бозоридан тўғри Тошмазор қабристонига олиб боришиб, пичоқлаб ўлдиришган. Бошланғич терговда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси, II-банди билан айбдор деб топишувди. Суд шу модданинг I-банди билан В.Багировни 12 йил озодликдан маҳрум қилди. Қолганларга тегинилмади. Суднинг бу қароридан норозимиз», — деб ёзади марҳумнинг турмуш ўртоғи Ирода Ғайбуллаева.

Ушбу шикоят юзасидан Навоийда бўлдик. Шу йил 12 май Навоий вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати биносида мазкур иш кўриб чиқилган. Суд мажлиси раисаси Ж.Расулова: «Мен воқеани атрофлича ўргандим. Гувоҳларнинг ва иштирокчиларнинг берган кўрсатмасига асосан айблов хулосаси ёзилди. Томонлар норози экан кассация тартибида шикоят ёзишлари мумкин. Ўзим чиқарган ҳукмни тўғри деб ҳисоблайман», — деди биз билан суҳбатда. Келинг, суд хулосаси ва ҳукмидан келиб чиқиб воқеа қандай содир бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилайлик. Мазкур йилнинг 7 февралида марҳум Ф. Ҳамроев туман деҳқон бозорига боради. У ерда ўзига қарашли «КамАЗ» юк машинасини тўхташ жойида қолдириб, ҳамкасби А.Тоғаев билан тамадди қилиш учун бозорга киради. У ерда спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилишади. Сўнг бозор ҳудудида ҳар куни ўйналадиган «Бахтли воқеа» ўйинини томоша қилгани боришади. Шу пайт Ф.Ҳамроев аудио кассеталар билан савдо қилувчининг ёнига бориб, ўзига ёқадиган кассетани қўйишни сўрайди. Лекин кассета қўйилмайди, бундан жаҳли чиққан Ф. Ҳамроев унга қараб сочиқни отиб юборади. Бундан хабар топган А.Тоғаев келиб, сотувчининг юзига кассеталар шодасини улоқтиради. Кассета сотувчи ёлланма ишчи бўлиб, бу жой якка тартибда, патент асосида тадбиркорлик қилаётган Валият Багировга тегишли бўлган. Ударров Ойбек исмли бола орқали воқеани В. Багировга етказади. Эрталаб дўстлари билан озгина улфатчилик қилган В.Багиров хабарни эшитгач, воқеа содир бўлган жойга етиб келади. Кайфчиликдаги тортишувлар ўзаро орани очди қилишгача бориб етади. Бозордаги картошка билан савдо қилувчилар растаси ёнида даханаки жанг бўлиб ўтади. Шундан сўнг маҳалла посбонлари С.Худоёров ва Ш.Камоловлар аралашуви натижасида томонлар тарқалишади. Лекин аламзада кўнгиллар тинчимайди, А. Тоғаев билан Ф.Ҳамроевлар ўз машиналарига қараб кетишаётганида орқасидан келиб тўхтаган В.Багировга тегишли «Дамас» машинасига чиқишади.

А.Тоғаевнинг кўрсатмасидан: Биз машинага чиққанимизда Валиятдан ташқари укаси Наримон ва ўртоғи Дамир ҳам бор эди, — дейилади. Улар бозордан чиқиб тўғри қабристон тарафга йўл олишади. Суд мажлисининг айблов хулосасида айтилишича, Аваз Дамир билан машинанинг орқа томонига ўтиб нималарнидир гаплашиб туришганда Валиятнинг «Помогите!» деган қичқириғи эшитилади. Бориб қарашса, Ф.Ҳамроев қонга беланган ҳолда ерда ётарди. Зудлик билан машинага юклаб касалхонага етказишади. Аммо жабрланувчи йўлдаёқ жон таслим қилади.

Арзимаган тортишувдан бошланган жанжал эндигина 30 ёшга тўлган Фахриддин Ҳамроевни ҳаётдан олиб кетди. Агар маҳалла посбонлари бозорда совуққонлик қилмаганларида, атрофдаги томошага ўч оломон бефарқ бўлмаганида, балки машъум воқеа содир бўлмасмиди?! Ахир бозорда юздан ортиқ одам бошланғич жанжалга гувоҳ бўлган бўлса-да, ажратиб қўйишга чоғланмаган, судда бирортаси кўрдим дейишмаган. Воқеа тафсилотини етарлича ўрганиш, айбдорларнинг қилмишларини батафсил англаш имконини бермагани ҳам маҳалла посбонлари-ю, томошабин одамларнинг бефарқлиги бўлди.

Марҳум Ф.Ҳамроевнинг онаси М.Бозорова: — Нима ҳам дей, бўлар иш бўлди. Аммо судда бизни одам ўрнида кўрмаганидан хафа бўлиб кетдим. Судда биз гапира бошласак, «Бозорова бозор қилманг» деб кулишди, улар сўкиниб гапиришса ҳам, бир оғиз жим бўлинглар, демади. Ўғлимнинг кўйлаги, кастюми қип-қизил қон, рангини таниб бўлмади, судда бир марта ҳам кўрсатишмади. Унинг кастюми озгина йиртилган экан, йигирма марталаб кўрсатишди. Ўғлимни айбдор қилишди. Давлат айбловчиси сифатида қатнашган прокурор суднинг ўзида уч марта алмашди. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Эргашов дастлаб ишни олиб бораётган эди. 97-модданинг II банди билан айблаган ҳам эди. Янги тайинланган прокурор А. Муродов шу модданинг I бандига алмаштирди. Биз тушунмадик, суд ўзбек тилида бўлди, аммо прокурор А. Муродов қарорни шу қадар тез ўқидики, тушунмай ўтиравердик. Боламни икки томони ҳам ўткир тиғли, узун ҳанжар билан орқасидан икки марта тиқиб ўлдиришса, орқада она бева, икки бола етим, мен онаизори зор қақшаб қолсам, нега суддагилар ҳам жабр қилади? Бизнинг айбимиз оддий деҳқонлигимизми, билмасам...», дейди.

Суднинг қайси ҳолатда бўлиб ўтганлигидан бехабармиз, аммо суд раисаси Ж.Расулова: «Мен терговчи қилмаган ишни қилдим. Элликка яқин гувоҳларни чақириб сўроқ қилдим», — дея бир хат ва имзоларни кўрсатди. Ушбу хат талабнома асосида ёзилган бўлиб, унда қуйидагилар бор экан: «Фуқароларнинг сизлардан талаби, содир бўлган воқеа атрофлича ўрганилиб, айбдор шахсларга етарлича жазо тайинласангиз. Туманимиздаги бефарқликлар туфайли бундай жиноятлар тез-тез содир этилмоқда. Бизнинг назаримизда гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш ҳолати мавжуд».

Нима бўлган тақдирда ҳам жиноят содир этилди. Жиноятчиларга жазо белгиланди. Биз бу ерда берилган жазо ёки даъво ҳақида бирор фикр билдирмоқчи эмасмиз. Зеро, адолатли қонунимиз тегишли тартибда ҳукмга баҳо беради, бунга ишонамиз.

■ **Юсуф ХУДОЙҚУЛ**

НАТО ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

Грециядa 15 мингдан ортиқ хизматчи, шунингдек, уч юзга яқин самолёт ва 65 ҳарбий кема иштирокида НАТОнинг ҳарбий машқлари бўлиб ўтмоқда. Иштирокчилар Ўрта ер денгизида ҳамкорликда инсонпарварлик операцияларини амалга оширишни машқ қиляпти.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ЎҒИРЛАШДА АЙБЛАНАДИ

Россия — Грузия чегарасида қўлга олинган «Чечен-пресс» ахборот маҳкамаси директори Таисла Исаева биринчи чечен уруши даврида Аҳмад Закаев бўлинмасида алоқачи бўлган. Бу ҳақда Россия ҳарбий контрразведкаси вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, Т. Исаева Чеченистон ҳудудида россиялик ва хорижлик журналистларнинг ўғирланиши билан боғлиқ жиноятларга ҳам алоқадордир.



Миср. Sheraton меҳмонхонаси.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ РАД ЭТИЛДИ

Кипр парламенти мамлакат ҳукумати томонидан тақдим қилинган нефть ва нефть маҳсулотлари нархини ошириш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан рад этди. Депутатларнинг фикрича, бундай чора фуқаролар ҳамёнига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Устига-устак, яқинда солиқларни ошириш ҳақида ҳам қонун қабул қилинган эди.

Ҳукумат дунё бозорида нефть баҳоси қиммат бўлиб турганлиги ва Европа Иттифоқи талабларига яқинлашишни назарда тутиб, парламентга шундай қонун тақдим этган эди.

ЧЎҚҚИНИ ЗАБТ ЭТАМАН ДЕБ...

Дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестни забт этган россиялик бир гуруҳ альпинистлар пастга тушаётиб, хитойлик спортчи Ян Гэнхуанинг музлаб қолган жасадини топишди. Хабарларга қараганда, хитойлик альпинист бир ҳамроҳи билан тўққиз минг метрли баландликка эга бўлган чўққини забт этишни кўзлаб йўлга чиққан. Бироқ обҳавонинг ноқулай келгани сабабли унинг ҳамроҳи ортга қайтган. Ян Гэнхуа эса йўлда давом этган. Ўртадаги алоқа узилиб қолгани боис у қандай ҳалокатга учрагани маълум эмас.

12 ЙИЛЛИК ЖАЗО

БМТнинг Руанда бўйича халқаро трибунали бельгиялик журналист Жорж Умар Руджиуни Руандада миллатлараро қарама-қаршиликни тарғиб қилишда айбдор деб топди. У 12 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Хабарларга қараганда, Руандада 1994 йилдаги оммавий қатағонлар бошланишидан бир ой илгари журналист одамларни бир-бирига қайраган.

ТОВОН ТЎЛАДИ

Украина ҳукумати АҚШнинг «МакКормик Дистилинг компани инк» компаниясидан етказилган иқтисодий зарар учун товон сифатида 1 миллион доллар олди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги маълум қилди.

Хабарларга қараганда, мазкур компания жиноий тўдалар билан ҳамкорликда спиртли ичимликларни идишларга тозалаш воситаси белгисини қўйиб, ғайриқонуний равишда Украина ҳудудига олиб кирган ва мамлакат бозорларида сотган.

РЕЙТИНГ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Академик рейтинг усулининг афзаллиги лицей ва касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқувчиларининг билимини назорат қилиб бориши учун 1999 йилнинг 1 сентябридан рейтинг системаси жорий этилган эди. Амалда унинг самараси яхши бўлаяпти. 1999-2000 ўқув йилининг бошидан барча ўрта махсус ўқув юртлари I курс ўқувчиларининг билимини баҳолашнинг рейтинг усули катта аҳамият касб этмоқда.

1999-2000 ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ўқувчиларнинг билимини рейтинг усулида баҳолаш илгариги беш баллик системадан самарали эканлигини кўрсатди.

Ўқувчилар билимини рейтинг усулида баҳолаш, аввало, таълим соҳасида адолат мезонидан келиб чиқиб иш кўриш демакдир. Қолаверса, дунёдаги тараққий этган мамлакатларда таълим тизимида шу усулдан фойдаланишлари бежиз эмас, албатта.

Рейтинг системасини жорий этишда вужудга келаётган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида барча ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртларининг ўқиш ишлари бўйича директор ўринбосарлари билан рейтинг системаси муаллифларининг бири, Ўзбекистон Республикаси махсус касб-ҳунар коллежлар бошқармаси етакчи мутахассиси З.Саттаров иштирокида Нукус педагогика коллежида семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар кенгашда асосан рейтинг системасини ўқув юртларида жорий этишда дуч келинаётган муаммолар ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олдилар.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ «Ўзбекистон овози» мухбири**

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАДБИРКОРЛАР ВОДИЙСИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

— дейди Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Набижон ҚОРАБОЕВ

— Фарғона вилояти солиқчилари кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорларнинг ҳаракат майдонларини эркинлаштириш борасида бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар, — деб сўз бошлади у. — Тадбиркорларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирдик. Илгари солиқ ходимлари ишбилармонларга фақат, солиқ тўланг, деб мурожаат қиларди. Бугун эса солиқчи ва тадбиркор ўртасидаги муносабат ўзгача кўриниш олди. Давр талабидан келиб чиқиб, биз тадбиркорларга юзландик. Уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишда ёрдам бераяпмиз. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Масалан, вилоят ҳудудида амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилаётган 1726 та хўжалик субъектлари бу йилги солиқ текширишларидан озод қилинди. Бунинг натижасида деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини текшириш миқдори кескин камайди. Ўтган йилнинг биринчи чорагида хўжалик субъектларида 1821 та солиқ текшириши ўтказилган бўлса, бу миқдор жорий йилда 536 тага озаяди. Биринчи чорак давомида рухсатсиз текширувлар қайд этилмади.

Вилоятда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Мавжуд бозорлардаги текширишлар тартибга солиниб, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси билан келишилган ҳолда ўтказилмоқда. Бунинг натижасида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони тез ортиб бормоқда.

«Фарғонани тадбиркорлар водийсига айлантирамиз» деган шиор остида иш юритаётган вилоят солиқчиларидан корхона ва ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар бугун мамнун.

— Қувасой чинни буюмлари довруғи дунёга достон, — дейди «Қувасойчинниси» ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳамрожон Набиев. — Аммо маълум сабабларга кўра биз иқтисодий инқирозга яқин келиб қолдик. Бу муаммони ўз кучимиз билан ҳал этишимиз қийинлигини англаб дардимизни вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимларига айтдик. Бошқарма раҳбариятига иқтисодий инқироздан чиқиш бўйича тузган режаларимиз маъқул тушди. Бизга мавжуд қонун-қоидалар асосида амалий ёрдам беришди. Натижада фаолияти тўхташи мумкин бўлган жамиятимиз яна оёққа туриб олди. Яқин кунларда қарзларимиздан бутунлай қутулиб, даромадга кирамиз. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоят ва Қувасой шаҳар солиқ инспекцияси раҳбарларининг ёрдами билан корхонамизни инқироздан сақлаб қолдик.

Энди солиқчилар ҳуда-беҳудага безовта қилишмайди. Кўпчилик улар билан самимий муносабатда. Кейинги пайтда тадбиркор ва солиқчилар ўртасидаги кўринмас «девор» қулагандек.

■ **Баҳром ОБИДЖОН, журналист**

ХДП

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1998 ЙИЛ

26 август. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат парламентининг 28 август куни очиладиган ўн иккинчи сессияси муносабати билан партиянинг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

27 август. Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция мажлисидаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

5 сентябрь. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги иштироки тўғрисида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

17 сентябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ким Тхэ Сам, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

15 октябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1999 йил учун обунани ташкил этиш вазифалари тўғрисида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

29 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Жиззах вилоят партия кенгашининг партия кадрларини танлаш, тарбиялаш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

5 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия матбуот нашрларига 1999 йил учун обунани ташкил этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятлари партия кенгашлари биринчи котибларининг мазкур партия ташкилотларида обунанинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

17 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти маънавият ва тарихий хотира мавзусига бағишланди. Таниқли ёзувчи, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Пиримқул Қодиров мазкур масала бўйича маъруза қилди.

25 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида пойтахт партия фаолларининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали журналистлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

(Давоми бор).

Ҳосил чўғи мўл

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

БИЛСАЙДИК, ҚАНЧАЛАР ТАБИБ ТАБИАТ

БИЗ ИНТИЛАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш нафақат табиий муҳитни чиройли сақлаш учун зарур, у инсоний тараққиёт учун муҳимдир. Бунда республика миқёсидан ташқари халқаро экологик ташкилотларнинг фаол иштирокига ва ташаббусига эҳтиёж бор. Мамлакатимиз томонидан ҳамкорлик биринчи навбатда Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларга қаратилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида акс этди.

Мамлакатимизда халқаро жамоат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қанча амалий ишлар қилинмоқда:

— Халқаро Экологик фонд (GEF) томонидан Оролни қутқариш бўйича халқаро фонд ва Жаҳон банки биргаликда сув манбалари ва атроф-муҳитни бошқариш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

— 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари давлатлараро сув комиссиясини яратиш тўғрисида ҳамда минтақа сув муаммоларини бошқариш принциплари ҳақида келишиб олдилар.

— 1995 йилда ЮНИСЕФ-ЭКОСАН (Орол денгизи атрофидаги муҳитни яхшилашга ёрдам бериш бўйича ташкилот, Aral Sea Environmentral Regional Assistance — ASPERA) томонидан умумий қиймати 3.12 млн. АҚШ долларини ташкил қилган, аёллар ва болаларга экологик ёрдам бериш бўйича халқаро лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳага мувофиқ Орол денгизи ҳудудига энг муҳим тиббий ёрдам воситалари етказилди, 2 ёшгача бўлган болаларнинг 95 фоизи эмланди.

— Сув билан таъминлашни яхшилаш дастури бўйича Мўйноқ, Нукус ва Тахтакўпир туманларида сув сифатини текшириш кўчма лабораториялар фаолият олиб борди.

Булар ичида республикада фаолият юритаётган Халқаро экология ва саломатлик фонди (ЭКОСАН) ва Оролни қутқариш халқаро фонди (ОҚХФ) нуфузи ортмоқда.

Республикада табиатни муҳофаза қилиш, ундан фойдаланишнинг меъёрий ва қонуний асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Республика жамғармаси (1993 йил) фаолият олиб бормоқда. Мазкур жамғарма маблағларининг 70 фоизидан ортиғи корхоналарнинг меъёрдан ташқари ҳавони ифлослантириши, чиқинди жойлаштириши учун тўловлардан, 30 фоизи табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун солинадиган турли хил жарима ва даъволар ҳисобидан шаклланади. Жамғарманинг маблағлари эса, асосан Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг моддий техник базасини ривожлантириш бўйича харажатларни қоплаш(70%) ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари (25 % гача) учун сарфланади.

Ҳозирги пайтда республикада «Табиатни қўриқлаш ва барқарор тараққиётни экологик жиҳатдан таъминлаш бўйича миллий ҳаракат режаси», «Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режаси», «Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси» ишлаб чиқилмоқда.

■ **Худоёр ҲАМИДОВ**

ОҚТОВГА АЛҚОРЛАР ҚАЙТДИ

Нурота тизма тоғларининг Оқтов тизмаларига алқорлар қайтиб келди. Бир пайтлар овчининг ўқидан зада бўлган жқниворлар бу жойларни ташлаб кетган эдилар. Тоғларнинг кўрки бўлган алқорларнинг соғинчи билан яшаган шоир:

Нурота тоғларидан кетиб
борар алқорлар
Кетиб борар бўзлашиб
сарсари ва саргардон.

дея барчани огоҳликка чақирган эди. Лекин инсоннинг ваҳшийлиги туфайли ХХ асрда она-табиатимиз оёқости қилинди. Топталди. Чегарасиз пайҳон қилинди. На фақат алқорлар балки, энг йиртқич ҳисобланган ҳайвонлар ҳам инсон олдида ожиз эканликларини ҳис этиб ўзларининг маконларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Узоқ йиллик айриликдан сўнг яна алқорлар келганини эшитиб, ёвузлик ортга чекинганига, табиат ўз маромига қайтганига қувондим.

ЗАРАФШОН

Зарафшон дарёси иккига бўлиниб кетишини биласизми? Табиатнинг минг бир сир-синоатлари ичида яна бири мени ҳайратга солди. Оқдарё ва Қорадарё аслида Зарафшондан ажралиб чиқсаларда, уларнинг суви икки хил эканлиги мўъжиза эмасми? Оқдарёда орзулар, Қорадарёда қайғулар оқаётгандек. Бирининг суви типтиниқ, ойдин. Бирининг суви қоп-қора. Ҳаяжондан қўлларим титрайди. Қорадарё қирғоқларида, туннинг ҳасратлари яширингандек, Оқдарёда оппоқ туйғулар балқиётгандек туюлади менга.

Ойдинликни, қаҳрни кўрган она Зарафшон икки жигарбандини ҳам ўз бағрига чорлаб яна ўз номи билан Зарафшон бўлиб оқа бошлайди.

СЎЗ ВА СУРАТ



Бу дунёнинг жаннати — тоғлар
Мени чорлар бағрига бот-бот.
Кучоғида кезганим чоғлар
Замзамадай суюмли ҳаёт.
Унутаман нимадир андуҳ,
Ҳайқираман, йиғлаб-куламан.
Адо қилар девона бир руҳ,
Бир кун ўлсам... тоғда ўламан.

ХАРИТА ОЛДИДАГИ ЎЙЛАР

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚИРОАТ ҚИЛАР

Яна уйимиз бўғотига қалдирғочлар уя қурдилар. Мен ҳар гал уларни кўрганимдан қандайдир бир қувонч юрагимдан тошиб чиқаверади. Қалдирғоч сеҳрли қуш. Унинг ҳар бир ҳаракатидан эзгулик ёғилади. Биз бутун оиламиз билан ҳар гал уни кутамиз. Мени табиатнинг бу сирли жумбоғи ўйга толдиради. Нима учун қалдирғоч эрта баҳор бизнинг Ватанимизга келиб, ин қуради. Ва шу ерда бола очиб, полапони улғайгандан сўнг уни олиб учиб кетади. Назаримда, бу юртнинг қандайдир бир сир-синоати бўлса керак. Яна бир нарса юртим тинчлигингга, озодлигингга кўз тегмасин, дейман.

Менинг ўйларимдан хабар топгандек қалдирғочлар қироат қила бошладилар.

БИР ТУП ДАРАХТ ЭККАНМИСИЗ?

Дарахтлар тирикликнинг битта бўлагидир. Улар ҳамиша дардларимизга тенг шерик бўладилар. Йиғлайдилар. Қувонадилар.

Халқимизда шундай бир одат бор. Оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экадилар. Шундан бўлса керак, болалар ўртасида менинг олмам, ўригим, ёнғоғим деган гаплар юради. Қанчалар яратувчи, яхшиликни юксак қўядиган элмиз. Бугун эса битта дарахт экиб боғ яратмаган бўлса ҳам, уни талон-тарож қилганларни кўриб ажабланасан.

Дунёга энди келган гўдакка бешик ҳозирлаймиз. Дунёдан насибаси узилганлар учун тобут ҳозирлаймиз, буларнинг ҳар иккаласи ҳам ёғочдан ясалади. Ҳайҳот бу ҳар иккала сўз ҳам бешта ҳарфдан иборат. Бизнинг дунёга келишимиз ҳам, кетишимиз ҳам мана шу дарахтлар кўмагига муҳтож экан. Ўртадаги умр жуда қисқа бу даврда фақат яратиш керак. Шоир айтганидек: дарахтлар биз билан сўзлашмайди, лекин, шивири уланар ўйларимизга. Руҳ сўлғин, ёмғирли кунларда секин, дарчадан боқарлар уйларимизга. Дарахтлар меҳрнинг етар қадрига, лой чаплаб ярасин тузатганмисиз? Дарахт ўстирганнинг дарахт қаддига қараб туришини кузатганмисиз?..

ҚИЙИНИНИ ҚИЙИН ДЕСАНГ, ОСОНИНИ ҚИЛ

Яшнаб ётган майсани топтамаслик, мевасини териб еб, шохини синдирмаслик, эндигина ёнмоқ илинжида гунча бўлган гулни узмаслик, қуёшга тош отмаслик, сувга нимадир ташламаслик мумкин.

Ҳар баҳорда дарахт экишни унутмаслик, ўрикнинг девор ошиб қўшни томонга ўтган шохини кесмаслик, қушга тузоқ қўймаслик мумкин.

Шоир айтганидек: қушларга дон бериш — осон иш. Шохни синдирмай ўтиш — ҳатто иш эмас. Чувалчангни босмай ўтиш — осон иш. Дилозорлик учун шарт эмас ақл. Бир яхшилик қилсанг — дилда осойиш, қийинини қийин десанг, осонини қил.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН:

ЖАҲОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Экологик муаммолар чегара билмайди, бир мамлакат улар таъсирини назорат қила олмайди. Шу боис жаҳонда ягона стратегия ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурдир. Ўзбекистон ҳам борган сари глобал экологик муаммолар хавфини сезмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, минтақавий энг катта муаммолардан бири — ер куррасининг исиши сабабли Абрамов музлигининг эришидир. Кейинги 30 йил ичида Абрамов музлиги ўз ҳажмининг 18 фоизини йўқотди. Ҳароратнинг бундан кейин яна кўтарилишини эътиборга оладиган бўлсак, музликнинг яна 17 фоизининг эриб кетишига, бунинг натижаси ўлароқ ичимлик суви таркиби ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шу боис Ўзбекистон ҳам халқаро экологик ҳамкорликда иштирок этмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон қуйидаги халқаро конвенцияларга аъзо:

— 1993 йил. Иқлим ўзгариши бўйича чегараланган конвенцияси.

— 1996 йил. Биологик ранг-баранглик конвенцияси.

—1996 йил. Хавфли чиқиндиларни чегарадан олиб ўтиш ва уларни йўқотиш назорати бўйича Базел конвенцияси.

— 1996 йил. Ҳудудларнинг чўлга айланиши бўйича конвенцияси.

Бундан ташқари Ўзбекистонни БМТ Европа Конвенциясига аъзоликкка қабул қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Кейинги йилларда шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Хитой билан (1997 й.) икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди. МДҲ доирасида Марказий Осиё Республикалари билан табиатни муҳофаза этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик бўйича уч томонлама шартнома, Грузия, Белорусия, Украина билан икки томонлама шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон Давлатлараро экологик Кенгашнинг (ДЭК) фаол аъзосидир, унинг учинчи сессияси 1993 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Конвенциялар бўйича ва халқаро шартномаларда кўзда тутилган барча мажбуриятларни амалга ошириш бўйича фаол иштирок этиб келмоқда.

Дарвоқе, БМТ 2002 йилда Ер Хартиясини тасдиқлашни кўзламоқда, у жаҳон мамлакатлари учун муҳим ҳужжат бўлиб қолиши керак. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон миллий комиссиясининг ташаббусига кўра мазкур Хартиянинг биринчи миллий муҳокамаси Тошкентда ўтказилади. Бу ҳам давлатимиз томонидан кескин экологик вазиятларни юмшатиш бўйича олиб борилаётган одилона сиёсатнинг натижасидир.

■ **Бахтиёр ҲАМИДОВ**





АҚШ альпинистлари Эверест чўққисини чиқиндилардан тозалаш ишларини олиб бормоқда. Шу кунгача экспедиция аъзолари «дунё томи»дан бир тоннага яқин турли чиқинди ва қарийб етти юзта бўш кислород баллонини олиб тушди.

Эверест чўққисини тозалаш тадбири учинчи бор ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда Эверестдаги экологик вазият жуда ёмонлашган.

БОҚИЙЛИК

Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия ерида жойлашган Крефельд шаҳридаги йирик кимё заводида катта миқдорда заҳарли моддаларнинг ҳавога чиқиб кетгани аниқланди. Шу муносабат билан маҳаллий маъмурият аҳолидан уйларнинг эшик-дераза-ларини маҳкам ёпиб, ташқарига чиқмасликни сўради. Айни пайтда экологик ҳалокат сабаблари ва унинг атроф-муҳитга етказган зарари ўрганилмоқда.

ЧИМЁН-ЧОРВОҚ ЧИРОЙ ОЧАДИ

Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини ва экологик тозалигини тўлиқ сақлаш, ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш мақсадида 2000 йил 10 мартда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Юртимизнинг ҳар бир қарич ери, табиатимизнинг такрорланмас гўзал ҳудудлари, давлатимиз, юртбошимиз назаридан четда қолмай алоҳида эътибор берилаётганлиги кишини қувонтиради.

Ушбу қарорда ўз моҳияти билан гўзал табиатимизни сақлаб қолиш, унга зарар етказиш мумкин бўлган обеъктларни тугатиш бу ерда мавжуд бўлган турли хил корхоналарнинг атроф-муҳитга зарар келтирадиган омиллари аниқланиб, уларни тартибга солиш, канализация тармоқларини қуриш каби масалалар илгари сурилади.

Чимён-Чорвоқ минтақаси ҳудудини унинг табиий иқлим шароитларига кўра, курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд сирасига киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу ҳудуд ва айниқса, Чорвоқ сув омбори соҳилларида экологик вазиятга зарар етказувчи ва сувни ифлослантирувчи, ўзбошимчалик билан қурилган обеъктларни йўқотиш масаласи қарорда алоҳида қайд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу муҳим ҳужжати табиатимизни асл ҳолида сақлаб қолиб уни авлодларимизга етказишимиз йўлида қўйилган улкан қадамдир.

Табиат меҳримиз-мурувватимизга муҳтож, уни ардоқлаш ҳар биримизнинг энг муҳим ишимизга айланмоғи керак.

Мастура ОЙХЎЖАЕВА

ЭКОЛОГИЯ СОЛИҒИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий ричаг сифатида экология солиғи катта роль ўйнайди.

Республикамизда экология солиғи Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги қарорига биноан, 1997 йил 1 январдан жорий этилди. Амалдаги қонунларга асосан республикадаги барча товар ишлаб чиқарувчилар, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўлайдилар.

Бу солиқ турини тўлашда солиқ объекти — товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархидан 1 фоизли ставка бўйича солиқ ундирилади.

Бошқа солиқ турлари каби экология солиғи бўйича ҳам имтиёзлар берилган. «Нуроний» жамғармаси ва унинг корхоналари бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғарманинг уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланган тақдирда ва ишловчилар умумий миқдорининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган юридик шахслар (савдо воситачилиқ, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно) экология солиғидан озод қилинади. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ муайян муддатга ҳамма солиқларни тўлашдан озод этилган юридик шахслар ҳам экология солиғини тўламайдилар.

Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва бу солиқ юзасидан ҳисоб-китоблар йил чораклари бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ бўлимларига тақдим этилади. Кейинги йилларда бу солиқнинг давлат бюджетидаги ҳиссаси ортиб бормоқда.

■ **Олимжон ЖУМАНОВ.**

ДИҚҚАТ:

ТАБИБ ТАБИАТ ТАНЛОВИ

Биз ўз табиатимизни, атрофимизни ўраб турган тоғлар, дарёлар, кўллар, ўрмонларни биламизми? Табиатнинг минг хил сир-синоатларини-чи? Мамлакатимизнинг энг баланд чўққиси, энг чуқур жойи қаерда эканлигини ўйлаб кўрганмизми?

Азиз ёшлар, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти сизни ушбу танловга таклиф этади. Ҳар ойнинг сўнгги пайшанбасида сизнинг ҳукмингизга таҳририят томонидан тузилган она табиатимизга оид бешта савол ҳавола этилади. Танлов 2001 йил 5 июнь куни Бутун жаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни арафасида якунланади. Демак, йил давомида сизнинг ҳукмингизга ҳавола этиладиган саволларнинг ҳаммасига жавоб йўллашингиз керак. Саволлар газетада эълон қилинган кундан бошлаб жавобларни юбориш мумкин. Танлов қатнашчилари бир йил давомида эълон қилинган саволларни барчаси бўйича ўз жавобларини юборишлари шарт. Шундагина қатнашчи тўлиқ иштирок этган ҳисобланади ва унинг жавоблари танлов ҳайъатига тавсия этилади. Энг сўнгги жавобни юборган қатнашчи суратини ҳам қўшиб жўнатиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Табиат табиб» танловига деб ёзишни унутманг. Маълумот учун телефонлар: 133-07-20, 136-34-06

БУГУН ИЛК САВОЛЛАРИМИЗНИ СИЗНИНГ ҲУКМИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ:

1. Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси қаерда ва у нима деб аталади?

2. Ўзбекистон ҳудудининг қанча қисмини саҳролар эгаллаган?

3. Ўзбекистонда нечта қўриқхона бор. Улар қаерда жойлашган?

4. Республика ҳудудининг қанча қисми ўрмонзорлар билан қопланган?

5. Ўзбекистонда нечта сув ҳавзалари бор. Улар қаерда жойлашган?

Эслатма: «Табиб табиат» танловига ҳомийлик қилмоқчи бўлганлар бизга мурожаат қилишлари мумкин.

ШАҲАРДАГИ БИР ТУП ЎРИК

Шаҳарда баҳор тугаб ёз-бошланган бўлса-да, дарахтлардан майин тароват, улардаги кўклам нафаси ҳали сўнгани йўқ. Дилларга алланечук поклик бахшида этгувчи ёмғир томчиламоқда. Бу гўзаллик ёмғиридир.

Ҳозиргина ёққан ёмғирда покланган, ўзидан яшиллик нафаси уфураётган дарахт барглари оҳиста титрамоқда. Шаҳар хиёбонларига виқор билан соя ташлаб турган улкан бақатераклар, азим чинорлар ўртасида бир туп ўрик майин тебранади. У кишиларга ризқ-рўз улашиш учун шиғил ҳосил қилган. Унинг шохлари қарийб пишиб етилган довуччалардан оғирлик қилиб, худди кишиларга салом бергандек, маҳзун чайқалмоқда. Бу ўрик шунча дарахтлар ўртасидан қандайдир кўзга яқин турибди.

Шу тобда ёмғирдан намиққан йўлакдан бир йигит ва қиз кела бошлади. Улар қўл ушлашиб келар, бир-бирига шунча қараб, бирбирини ҳуснига тўйолмас эди. Йигит ва қиз ўрик остидаги ўриндиққа келиб ўтиришди. Улар бирбирига шунчалар маҳлиё бўлиб ўтиришганидан дунёдаги ҳамма нарсани унутишганди. Шу пайт бир қуш келиб ўрикнинг эгилиб турган тепа шохига қўнди. Бирдан шох силкиниб ундаги ҳисобсиз томчилар йигит ва қиз устига тушди. Улар худди уйқудан уйғонгандек чўчиб тушди-ю ва атрофга қарашди. Қиз секин тепага қаради ва гўзалликни, ўрик гўзаллигини кўрди. Унинг юзига ҳам бир-икки томчи тушди ва қиз сесканиб йигитга қаради. Қизнинг юзидаги томчилар йилтираб оппоқ юзларига жило бериб турарди. Йигит шошиб чўнтагидан рўмолча чиқардию, қизнинг юзидаги томчиларни секингина сидириб олди. Йигитнинг қўли қизнинг юзига тегиб кетар, йигит ҳаяжонланганидан қўллари титрар эди. Қиз ҳам ҳаяжонланиб юзини олиб қочди ва яна ўрикка қаради. Йигит ҳам беихтиёр юқорига қараб маҳлиё бўлиб қолди. Ўрикнинг тўлишиб турган довуччалари дарахтни янада гўзаллаштириб йигит ва қизни ҳайратлантирарди. Қиз эндигина сарғиш тусга кираётган довуччадан егиси келиб йигитни олиб беришга ундади. Йигит қўлини чўзиб ўрик шохларини ушлади. Шу заҳоти ўрикдаги ёмғир томчилари йигитни устига дув-дув тўкилди. Бундан қиз завқланар ва шодон кулар эди. Унинг кулгиси шунчалар пок ва самимий эдики, беихтиёр йигит ҳам қўшилиб кула бошлади. Ва ниҳоят йигит уч-тўрт дона довуччани узиб олиб қиз қўлига тутқазди. Бундан қиз шунчалар хурсанд бўлиб, севиниб кетдики, агар йигит олтин халқа совға қилганда ҳам бунчалар хурсанд бўлмасди.

Қуёш ботди. Уфқ олов бўлиб қизарди. Йигит билан қиз юракларининг бир чети шу бир туп ўрикда қолаётгандек секин-секин юриб кетишди. Ўрик ҳам худди улар билан хайрлашаётгандек ҳосил тўла шохларини майин силкитарди.

■ **Ҳусниддин БЕРДИЕВ**



САҲИФАНИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРИ ФАРРУҲ ҲАМРОЕВ ТАЙЁРЛАДИ.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«ЖОНОН МЕНИНГ ЖОНИМДА»

Германиялик етук исломшунос олима Аннемарие Шиммел хонимнинг «Жонон менинг жонимда» номли китоби 1995 йилда чоп этилганди. Бу китоб ўзбек тилига ёзувчи ва таржимон Йўлдош Парда томонидан ўгирилди. Инсонийлик ғоялари, ўзликни англаш сир-синоатлари ер юзининг барча минтақаларида бирдек қадрланади. Ғарб ўз йўналишида, Шарқ эса ўз асори-атиқаларида талқин қилади. Шунинг учун ҳам Шиммел хонимга 1995 йилда Германия китоб савдоси ташкилоти Тинчлик мукофотини берди. Бу унинг хизматларига берилган энг юқори баҳо эди. Германия Федератив Республикаси Президенти табрик нутқида Шиммел хоним маданиятлараро энг яхши мулоқотни йўлга қўйган фан арбоби дейилади. Хонимнинг ислом дунёсига оид 120 дан ортиқ китоблари бор.

«Жонон менинг жонимда» китоби ислом аёлларига қаратилган, тасаввуф тариқатининг фалсафаси, дунё халқларига етказган эзгулик маданияти талқинларига бағишланган. Исломдан олдинги жоҳилият даврларида араб ўлкаларида одат тусига кирган, яъни оилада қиз фарзанд туғилса текин томоқ дея тириклай кўмиш каби кечириб бўлмас ҳолатлар ислом вужудга келганда барҳам топди. Қуръони каримнинг 2-сура, 187-оятида: «аёллар сизлар учун бир либосдир, сизлар улар учун либосдирсизлар», каби илоҳий сўзлар тенгликни, аёлларнинг мукаррамлигини белгилади. Уларга нисбатан муносабатни ўзгартирди. Уч нафар қиз фарзандни тарбиялаб вояга етказганлар жаннатий бўлади, дейилди.

Сўфизм шунчаки такомил топмади, балки шароит тақозоси билан мукаммаллашди. Ўзликни англаш Аллоҳни англаш билан баробар эканлиги, инсон яралишида, жисм аъзоларининг тузилиши, фаолияти маълум бир тизимга асосланганлиги, уни бошқарувчи куч борлиги ҳозирда барчага маълум. Буни замонавий фан ҳам таъкидлаяпти. Инсон нафас олганда Ал, чиқарганда лоҳ сўзларини такрорлаб туриши юрак ва ўпка фаолиятини соғломлаштиради, турли қон-томир, нафас йўллари касалликларидан сақлайди. Тасаввуф таълимотининг бош ғояси ҳам ўзликни англашдир. Инсоният онгига тушунарли бўлсин учун фалсафий ғоялар турли ривоятларда, ҳикоятларда талқин этилади. Масалан: Пайғамбар алайҳиссаломдан бир момо сўрайди:

«Бизга ўхшаган юзларини ажин босган, кўзлари йиринглашиб, мункайиб қолган кампирлар ҳам жаннатга киритиладими?» Пайғамбаримиз: «Йўқ, сизга ўхшаган момолар жаннатга киритилмайди», деб жавоб берадилар ва дили ўксиган момога қараб яна: «Сизга ўхшаб мурриб қолган момоларнинг барчаси аввал ўн саккизга кирган бокира қизларга айлантирилади, сўнгра жаннатга киритилади», дейди давом этиб пайғамбаримиз. Жаннат руҳ манзили, оддий баргларга синчковлик билан қарасангиз ажиб гўзалликни, тароватни кўрасиз ва беихтиёр ислом фалсафасидаги: Аллоҳ жамолини табиатга сочган, деган ҳикматнома сўзлар ёдингизга тушади. Руҳ борар жойи Аллоҳ жамолининг нури тушган жойданда гўзал, соф, ҳар қандай ғубордан тоза манзилдир.

Тасаввуф тариқатини бошлаб берган, унга тамал тошини қўйган одам аёл киши бўлганлиги барча диний китобларда қайд этилган. Бу аёл Робия ал-Адавия бўлиб, ўзида Аллоҳни бор этган дейилади. Ҳикоят қилишларича, бир куни Робиянинг тушларига пайғамбаримиз кириб: «Эй Робия, қалбингда менинг муҳаббатимга ҳам жой борми?», деб сўрайдилар, Робия: «Қалбим ёлғиз Аллоҳнинг муҳаббати билан тўлиқ, томирларимда ҳам унинг муҳаббати оқмоқда», деб жавоб қайтаради. Ёлғиз Аллоҳга бағишланган умрнинг бадиий талқини бу.

Севги муаммоси ислом адабиётида, тасаввуф тариқатида кенг шарҳланади. Инсоний ва илоҳий севги ҳақида турлича тушунчалар мавжуд. Кўнгил бошқа бир кўнгилга меҳр қўяр экан, унинг нафас олишидан тортиб, заррадек чеккан азиятини ҳам англаб турса, у ҳақиқий севги, аммо ҳали илоҳий эмас. «Бир художўй чол саксовулзордаги тош устида Қуръон тиловат қилиб турарди. Ёнидан бўйга етган қизнинг чопиб ўтганини кўрди. Аммо қиз кўрмади. Орадан маълум вақт ўтгач, қиз қувончга тўлиб, секинаста қайта бошлади. Шунда қария:

— Сен қандай мўмина, муслимасан? Шу ердан югуриб ўтдинг, салом бермадинг менга? — дейди.

— Мен Аллоҳнинг бир мўмин бандасини севиб қолган эдим. У менинг борлиғимни эгаллаб олганди. Мен дунёни унинг кўзи билан кўраётгандим. Олам у билан мавжуд эди. Шунинг учун сизни кўрмай қолибман», — дейди қиз. Бу илоҳийликка яқинлашув.

Фаридуддин Атторнинг «Мусибатнома»сида: «Ким севги дардига ҳомиладормас, у эркак аёлдир, ҳеч эркак эмас», каби сатрлар бор. Классик шеъриятда ёр — Аллоҳ, жом — фаноликни англатади. Одам ёлғиз Биру Борга ошиқлик қилиши мумкин, маъшуқанинг кўнглини топиш эса анчайин мушкул, жонни азобга қўйиб, жисмни риёзиёт ботқоғига ташлаш лозим. Қийноқлар бардошсиз, дейлик сиз очсиз, бир ёнингизда товоқ тўла таом, бир ёнингизда муҳтожлик саҳроси, айтинг, қайси бирини танлайсиз? Машаққатларга бардош бера олган одамга баъзи илоҳий хабарлар аён бўлиб турган. Бағдодлик сўфий Сари ас-Сақотий шогирдларидан бири бўлмиш аёлга: «Ўғлинг чўкиб ўлибди», дейди, лекин устозга беҳурматлик бўлса-да, ишонмайди. Орадан кўп ўтмай ўғлининг тирик эканлигини етказишади аёлга. Шунда шогирдлардан бири: «Айт-чи, устознинг гапига нима учун ишонмагандинг?» деб сўрайди. У: «Чунки ўғлимнинг чўкиб ўлганлиги ҳақида менга ғойибдан ҳеч қандай хабар келмаганди», деб жавоб беради. Комиллик тирикликнинг олий даражаси, лекин бунга шу кунгача эришганлар жуда оз. Интилганлар эса саноқсиз.

Ғарб адабиётида ҳам ислом асосларининг таъсири борлиги сезилади. Гёте шундай ёзади:

Аёлларга зулм қилма,
бўлма, тошбағир,
Улар қийшиқ қовурғадан
яралган ахир.
Нетсин, Аллоҳ яратибди
уларни шундоқ,
Синиб қолар тўғрилашга
уринганинг чоғ.
Ўз ҳолига қўйсанг баттар
қийшаяди ул,
Одам ўғли, ўзинг танла —
қай бири маъқул?
Мурувват қил, сенга қарши
қилсалар-да жанг,
Яхши эмас синиб қолса
битта қовурғанг.

Тангри аёлни эркакка яқин яратди. Иккисини бир жон, бир жисмнинг икки бўлагидан бирлаштирди. Бирининг меҳри билан иккинчисини даволади. Руҳ ором топди бири биридан. Дунёни унутишди висолда. Ҳаётни давом эттиргувчи, умр чироғини ёққувчилар туғилди улардан. Момо Ҳавво тасвири: «Момо Ҳавво Одам Атодек баланд бўйли, сарвқомат ва гўзал бўлиб, сочлари 700 толим қилиб ўрилган, ҳар бир толими яшил, шаффоф каби қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар билан безатилган, мушкуанбарлар сепилган. Бадани Одам Атоникига қараганда нафисроқ, ранги ҳам тиниқроқ, овози эса уникидан ёқимлироқ эди», дейилади. Яна бир ривоятда: «Сенга аталган барча илтифоту мурувватларим заифа бандам Момо Ҳаввода тажассум топган. Эй Одам, билгинки, меҳрибон, тақводор рафиқадан яхшироқ илтифоту марҳамат бўлмагай», дейилади.

Қуръони каримда эркакнинг ўз оиласига адолатли муносабатда бўлиши бир неча бор таъкидланади. Хотинларингиз орасида адолат қила билсангиз тўрттагача? уйланинг, иборасини турли даврларда турлича талқин қилишди. Аммо жоҳилият даврида хотин олишнинг чегараси бўлмай, баъзи зодагонлар юзтагача хотин олганлиги маълум. Қолаверса, бандасини зинокорликдан сақлаш, гуноҳдан асраш учун ҳамда ўғил болаларга нисбатан қиз болаларнинг кўпроқ туғилиши сабаб тўрттагача хотин олишга рухсат берилгани бу. «Ўз хотинига меҳр-шафқатли бўлган кишилар ораларингиздаги энг яхши кишилардир», дейилган ҳадислар пайдо бўлди. Пайғамбаримизга Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Ойша разийаллоҳу анҳугина бокира қиз ҳолида турмушга чиққанлар, қолган хотинлари бева қолган ёки чўриликдан озодликка чиққан аёллар эди. Бу ҳолат Ҳиндистонда мавжуд бўлган диний ақидага кўра эри ўлган хотин қайта турмушга чиқиши тақиқлангани каби одатларни бекор қилинишига олиб келди. Лекин ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистоннинг баъзи вилоятларида ушбу одат сақланиб қолган.

Ҳар бир сўз, ҳар бир атаманинг маълум ўз ўрни ва изоҳи мавжуд. Масалан, эркак сўзи мардлик, жасурлик, содиқлик маъноларини билдиради. Шунга кўра ўтмишда яшаган баъзи аёлларга нисбатан ҳам эркак сўзи ишлатилган. Бир мақолда: «Эркак шер шер-у, урғочи шер шер эмасми?», дейилади. Ибн Арабийнинг айтишича: киши ақл-идроқ, заковат, руҳан покланиб, шаррий нолойиқ ишларни қилмасагина «руҳулияси» такомилга етади». Шу тариқа исми-шарифни айтишда аёлларга ҳам нисбат берила бошланди. Масалан: Абу Талҳа, яъни Талҳанинг отаси каби Абу Лайло, яъни Лайлонинг отаси дейиладиган бўлди.

Ислом дини дунё халқларига улкан мерос қолдирди. Бу эзгулик мероси. Инсон эзгулик булоғидан сув ичар экан, ҳаёт номутаносиб яратилганлигини, асил моҳият асрор, дунё унинг либоси эканлигини англаб бораверади. Сир-асрорнинг тилсимлиги шундаки, унинг очқич калити яратгувчи қўлида, бандасига асрорни мукаммал англаш буюрилмаган. Ҳатто барглар шитирида, сувлар жилдирашида, қушлар чуғурида, шабада эпкинида ҳам сирлилик бор. Инсон тан аъзоларининг фаолият тизимида ҳам бир сўз такрорланади, жойлашув тартибида ҳам шу сўз мавжуд — бу Аллоҳ сўзи. «Жонон менинг жонимда» китобини ўқир экансиз, олмон олимасининг ислом дунёсини теран билишига гувоҳ бўласиз.

■ Юсуф ЖЎРАЕВ

ИБРАТ

МАЗМУНЛИ УМР

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, уларнинг босиб ўтган йўлига назар ташлаб ҳавас қиласиз. Бундай кишилар меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, ўз касбига фидойилиги билан ажралиб туради. Шу боис улар кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишади. Ҳаётдаги барча ютуқларни ўзининг ҳалол меҳнати, ўз касбига содиқлиги билан қўлга киритади.

Хоразм вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича муовини Исмоил Абдуқодировни ҳам ана шундай инсонлар қаторига киритиш мумкин. У мазкур вазифада саккиз йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Исмоил Абдуқодиров бошчилигида вилоят чорвачилигида катта ишлар амалга оширилди. Тармоққа иқтисодий ислоҳотларни жорий қилиш, уларни такомиллаштириш, хўжалик юритишда истиқболли, илғор усулларни қўллаш, фермерчилик ҳаракатини кенгайтириш у киши бевосита соҳага раҳбарлик қилган даврга тўғри келди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 1993-1995 йилларда зарар кўриб ишлаётган фермалар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулк шаклининг ўзгарганлиги ўз натижасини берди. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги фойда билан ишламоқда. Бундай аҳволни фермерчиликда ҳам кўриш мумкин. Шундай фермерлар борки, улар халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Абдуқодиров катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У киши 1962 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб ўз фаолиятини хўжаликда оддий зоотехникликдан бошлади. Кейин турли вазифаларда, раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди. Лекин қаерда ишламасин у ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, одамшавандалиги билан кўпчиликнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўди.

Вилоятда ўтган йигирма йил ичида қуриб ишга туширилган Қўшкўпир туманидаги ўрдакчилик комплекси, Урганч бройлер паррандачилик фабрикаси, Ҳазорасп туманидаги «Чорвадор» чўчқачилик комплекси, Хива паррандачилик фабрикасини қуриб ишга туширилишида Абдуқодировнинг хизмати катта. Мазкур йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ишга туширилгач, вилоятда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. У ушбу жамоалар қурилишидан тортиб, уларни чорва моллар билан таъминлаш ва ишни юритиб юборишларда бевосита раҳбарлик қилди.

Ҳозир ҳам у қайноқ меҳнат жараёнида фаолият кўрсатиб келмоқда, шогирдлари кўп. Улар устозлари билан чорвачиликни ривожлантириш, соҳадан мўл маҳсулот олиш борасида тинмай изланмоқда.

■ Ҳосил КАРИМОВ

Невара қувончи

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҲИКМАТЛАР

* Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан, қаҳр-ғазабдан, бахиллик ва хасисликдан, мақтанчоқликдан ва такаббурликдан.
* Тўрт нарса аҳмоқлик белгисидур: ўзига бино қўйиш ва такаббурлик, бошқаларнинг айбини қидиришлик, бахиллик, аблаҳдан умидвор бўлишлик.
* Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш.
* Тўрт нарса одамни заиф қилади: душманнинг кўплиги, қарзнинг кўплиги, хотиннинг кўплиги, сепсиз хотин.
* Нима десам экан деб андиша қилишлик, нега айтмадим деб пушаймон бўлишдан афзал.
* Қудратлилик молу дунё кўплигида бўлмаганидек, улуғлик ҳам ёш кўплигида эмас — ақлдадур.
* Ҳазилкашлик надимлар учун ҳунар бўлса, донишмандлар учун айбдур.
* Кимки хиёнаткор бўлса ҳисобда қўли қалтирайди.
* Дўстлар кулфатда қайғудош бўлади, чунки дастурхон устида душманлар ҳам дўстлик изҳор қиладилар.
* Дўстга кўп қувват бермангки, агар душманлик қилса қуввати етмасин.
* Кимда саховат бўлса шижоатга ўрин йўқ.
* Бировларга муте бўлгандан йўқчиликда ўлган яхши.
* Ақл нафас қўлида шундай гирифтордурки, худди ожиз эркак шаллақи хотин қўлида бўлгандай.
* Бировларнинг дилини бир марта оғритиб кетидан юз марта яхшилик қилсанг ҳам ўша бир ранжнинг яраси битмагай, чунки ўқни ярадан чиқариб олса бўлади, аммо озор дилда қолади.
* Ширин сўз илонни инидан чиқарганидек, мулойим сўз ваҳшийларни улфатга айлантиради.

ЧЕМПИОНЛАР БЎШ КЕЛМАС

Мустақилликдан кейин бошланган футбол миллий чемпионати ғолиблари орасида фақат МҲСК жамоаси футболчиларигина ўз мавқеларига яраша тўп суролмадилар, холос. Қолган, «Нефтчи», «Пахтакор», «Навбаҳор» жамоалари эса шунчаки чемпион бўлишмаганини амалда кўрсатишга ҳаракат қилолдилар. Мана энди «Дўстлик» футболчилари ҳам шу кунларда чемпионларга хос ўйинлар кўрсатиб, яна бир бор ғолиблик нашидасини суришга интиляптилар. Бу жамоа ҳисобидаги ғалабалар ўн учтага етди. Чемпионатнинг оралиқ марраси-га етиб, довон ошишга эса бор-йўғи уч тур қолди. Шунинг учун ҳам довонолли учрашувлари қизғин ва муросасиз баҳсларга айланмоқда. Хусусан, 16-турда «Дўстлик», «Самарқанд», «Сурхон», «Семург», «Трактор» жамоалари ғалабага эришиб, мавқеларини мустаҳкамладилар. Айниқса «Пахтакор» — «Самарқанд» учрашуви қизиқарли ўтди. Танаффусгача ҳисоб очилмади. Тўплар асосан иккинчи таймда киритилди. Жумладан, пахтакорчи Одил Исабоевнинг ўз дарвозасига тўп киритиши мухлисларни ранжитди. Шуҳрат Жабборов ҳисобни 0:2 га етказди. Учрашув тугаши олдидан Игорь Шквирин астойдил ҳаракат қилиб, тўпни аниқ ошириб берди. Александр Писарев жавоб тўпи йўлладди. Шундай қилиб пахтакорчилар ўз майдонларида яна бир бор мағлубият аламини тортишди. Ҳозир «Дўстлик» 41 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўринда бораётган самарқандликлар очколарини 34 тага етказишди. «Насаф» ҳисобида 32 та очко бор. «Навбаҳор» билан «Нефтчи» 28 тадан очко тўплашган.

ТАБОБАТ

КЎЗИНГИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН

— Ўтган йили шифохонамизга турли кўз касалликларига чалинган минглаб беморлар мурожаат қилган. Уларнинг қарийб ярмини ёшлар ташкил этаётгани ачинарли ҳол, албатта. Замонавий жарроҳлик усулида беш ярим минг нафар кўришдан маҳрум бўлган беморларнинг кўзига нур қайтди, — дейди Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси бош шифокори Клара Валиева.

— Кўз инсон танасидаги барча аъзолар билан узвий боғлиқ бўлиб, улардаги салбий ўзгаришнинг таъсири маълум маънода унда акс этади. Кўрув органида қовоқ ва кўз ёши аппарати хасталиги, кўз шиллиқ пардаси яллиғланиши (конъюнктивит), шоҳ парда, глаукома, тўр парда ва кўрув нерви ҳамда кўз мушак аппаратлари каби касалликлари кузатилади. Биргина шоҳ парданинг ўзида 150 турдаги касалликлар мавжуд. Ушбу касалликларнинг аксарияти туғма, ташқи муҳит таъсири, оғир меҳнат шароити ҳамда организм зўриқиши оқибатида келиб чиқади.

— Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик тўғрисида ҳам кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Америкалик етук кўз шифокори Жон Пайк тиббий жиҳозлар ҳамда сунъий гавҳарларни шифохонага совға сифатида тақдим этиб, 1998 йилда шифохонамиз ходимларига 10 кун давомида замонавий тиббий асбоб-ускуналарни қўллаш услубини ўргатди. 1999 йилда эса, клиникамиз қошида америкалик мутахассислар билан ҳамкорликда «Кристалл» қўшма корхонаси фаолият юрита бошлади. Унинг қулайлиги шундаки, катаракта ва глаукома каби дардга чалинган беморларни Ўзбекистон ва Америка шифокорлари замонавий тиббий ускуналар ёрдамида янги усулда жарроҳлик йўли билан 2-3 соатда бутунлай кўриш қобилиятини тиклаётирлар.

Шунингдек, шифохонамизда Уфадаги кўз касалликлари пластик хирургияси Умумроссия марказининг шаҳобчасини очиш режалаштирилган. Мазкур режани амалга оширсак, автоҳалокат ва шунга ўхшаш ҳолатларда оғир жароҳатланганлар косметик жарроҳлик йўли билан шифо топишади. Январь ойида дастлаб тажриба алмашиш тариқасида ходимларимиз уфалик ҳамкасблари билан биргаликда касалхонамизда фаолият олиб боришди. Бундан ташқари, шифокорларимиз АҚШ ва Уфадаги тиббий марказларда ўз малакасини ошириб қайтишаётир. Май ойида Екатеринбургда ўтказилажак Евроосиё анжуманида шифокор жарроҳларимиз Б. Калонхўжаев, О. Тошмуҳамедов, У. Файзиевлар Марказий Осиё давлатлари вакили сифатида иштирок этиб, кўз касалликларини даволашдаги сўнгги янгиликлардан воқиф бўлишди.

— Жорий йилда шифохонангиз томонидан қандай режалар амалга оширилади?

— «Соғлом авлод» йили бизга масъулиятли вазифаларни юклайди. Апрель ойидан бошлаб малакали мутахассислар вилоятларимиз бўйлаб, ўзида барча тиббий жиҳозларни мужассам этган «Нурафшон» кўчма клиникасида йил давомида ёрдам кўрсатиш билан машғул. Шифо масканида хиралашган кўзларни кўзойнак тақмасдан бемалол юришлари учун даволашнинг янгича усулини жорий қилмоқчимиз. Дарвоқе, шу йилнинг ноябрида юртимизга «Орбис» халқаро меҳр-шафқат «учувчи клиника» учинчи марта келади. Улар билан бир ой давомида офтальмолог ва ҳамшираларимизни ўргатиш дастурини амалга оширамиз. Қолаверса, «учувчи клиника» республикамиздаги турли кўз касалига чалинган беморларни текин даволаш ишларини амалга оширади.

■ «Туркистон-пресс»

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

Ўзбекистон Республикаси Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1998 йилда Аҳмед Акагундуз номига берилган 000285 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Марат Смайлович ОМАРОВ номига берилган O'R- B №050102 рақамли тўлиқ ўрта маълумот ҳақидаги Аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманидаги «ALBAXO—QURILISH» МЧЖ корхонаси банкротлик ҳолатига тушганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси биноси 212-хонада 7-июнь куни соат 9.00 ўтказилади.
Тел: 162-17-82

«Сирли олам» ойномаси, «Қалб кўзи», «Сухбатдош» ҳафтаномалари жамоаси Ҳожиакбар Ислом Шайхга ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари
МУЯССАР аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК
Тошкентда биринчи марта
«ХИТОЙ ДЕВОРИ»
Мўъжизали цирк жанрларидан иборат томошалар 2 июндан бошлаб ҳар куни намойиш этилади.
Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги санъат мухлислари ҳам бу томошаларга бемалол марҳамат этишлари мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Хадра майдони, Цирк биноси.
Телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаш аппаратининг собиқ масъул ходими М. Турдиҳўжаевага падари бузруквори
Аҳмаджон ота Нурматовнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети жамоаси, «Давлат қурилиши ва ҳуқуқи» фанлари кафедраси катта ўқитувчиси Шуҳрат Қобуловга оналари
ЎҒИЛОЙ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳайдар Носиров

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.20
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА